

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**НАДИРХАНОВА НАТАЛЬЯ СУРАТОВНА**

**ЗОТИЛЖАМ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН ҲОМИЛАДОРЛАРДА  
АКУШЕРЛИК ВА ПЕРИНАТАЛ АСОРАТЛАРИНИ ОЛДИНИ  
ОЛИШ ВА КОРРЕКЦИЯЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИНИ  
КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ– 2020**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**  
**Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Надирханова Наталья Суратовна**

Зотилжам билан касалланган ҳомиладорларда акушерлик  
ва перинатал асоратларини олдини олиш ва коррекциялаш  
тамойилларини клиник-патогенетик асослаш..... 3

**Надырханова Наталья Суратовна**

Клинико-патогенетическое обоснование принципов  
профилактики и коррекции акушерских и перинатальных  
осложнений у беременных с пневмонией..... 27

**Nadyrkhanova Natalya Suratovna**

Clinical and pathogenetic substantiation of the principles  
prevention and correction of obstetric and perinatal  
complications in pregnant women with pneumonia..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 55

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
Dsc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**НАДИРХАНОВА НАТАЛЬЯ СУРАТОВНА**

**ЗОТИЛЖАМ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН ҲОМИЛАДОРЛАРДА  
АКУШЕРЛИК ВА ПЕРИНАТАЛ АСОРАТЛАРИНИ ОЛДИНИ  
ОЛИШ ВА КОРРЕКЦИЯЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИНИ  
КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ– 2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/Tib357 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Асатова Мунира Мирюсуповна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Курбанов Джахонгир Джамалович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Негматджанов Боходур Болтаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Рахимова Дилором Алимовна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент тиббиёт академияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871)-2623314; e-mail: [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz)).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( -сон билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871)-2623314.

Диссертация автореферати 2020 йил « 4 » декабрь \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2020 йил « 11 » соат \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.В.Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**К.Н.Хайтов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.И.Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Сўнгги йилларда ҳомиладорлар респиратор аъзоларининг инфекцион касалликлари жиддий тиббий ва ижтимоий муаммо ҳисобланмоқда. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, «...зотилжам билан касалланиш экстрагенитал патологиялар ичида ҳомиладорларни касалхонага ётқизишнинг 4-5% ига туғри келмоқда ҳамда она ва перинатал ўлим ҳолатлари келиб чиқишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади»<sup>1</sup>. Ҳомиладор аёлларда зотилжам ривожланиш даражаси ташхислашнинг мураккаблиги, дори воситаларининг ҳомила ҳолатига салбий таъсири ва ягона акушерлик тактикаси мавжуд эмаслиги билан боғлиқдир. Тадқиқотлар натижаларига кўра, «... зотилжамни ташхислашдаги хатоликлар 20% ни, ҳомиладорлар орасида эса 30% ни ташкил этади, дастлабки 3 кунда зотилжам ташхиси касалланганларнинг 35% ида аниқланади»<sup>2</sup>. Ҳомиладорларнинг зотилжам билан касалланишида акушерлик ва перинатал асоратлари юқорилиги, ўз навбатида, унинг хавфини олдини олиш, аёллар ҳаёт сифатини оширишга замонавий ёндашувлар ва олиб бориш тамойилларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида ҳомиладорлик вақтида юзага келадиган асоратлар, жумладан, физиологик иммуносупрессия фонидаги зотилжамнинг кечиш хусусиятларини эрта босқичда ташхислаш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ҳомиладорларда интерстециал зотилжамни ривожланиш хавфи омилларини аниқлаш, касалликни олиб бориш тамойилларини ишлаб чиқиш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. ЎРВИ ва зотилжамли ҳомиладорларда ҳомиладорлик ва туғруқ кечиши хусусиятларини аниқлаш, зотилжамни турли антибактериал даволаш баённомалари самарадорлигини баҳолаш, жигар-ҳужайравий етишмовчилиги бўлган аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқ кечиши хусусиятлари, ҳомила ва чақалоқнинг ҳолати, ҳамда керакли профилактик тадбирларини белгилаш, яъни ҳомиладорларда ЎРВИ ва гриппга қарши вакцинациялаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз аҳолисига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, айниқса, ҳомиладорда учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларида «...оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам

<sup>1</sup> Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг ҳисоботи, 2017.

<sup>2</sup> М.Р.Алимухамедова, М.А.Шениязова. Внебольничные пневмонии у беременных // Авиценна. – Кемерово, 2018. – N21. - С. 8-11.

кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш»<sup>1</sup> вазифалари белгиланган.

Бу борада, жумладан, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, айниқса, ўткир респиратор вирус инфекцияли ва зотилжам бўлган ҳомиладорларда касаллик кечишини эрта ташхислаш ва даволашга янги ёндашувлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ–4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи**<sup>2</sup>.

Зотилжам билан касалланган ҳомиладорларда акушерлик ва перинатал асоратларини олдини олиш ва коррекциялаш тамойилларини клиник-патогенетик асослашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, University of Oxford (Буюк Британия), Karolinska institute (Швеция), University of North Carolina (АҚШ), University of Tokyo (Япония), University of Ottawa (Канада), Universidad Federaldo Rio Grandedo Sula (Бразилия), University of New South Wales (Австралия), академик Кулаков В.И. номидаги акушерлик, гинекология ва перинатология илмий маркази (Россия Федерацияси), Акушерлик ва гинекология республика илмий-амалий маркази, Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Жаҳонда нафас олиш аъзоларининг носпецифик касалликлари бўлган ҳомиладорларда акушерлик ва перинатал асоратлари шаклланишидаги патогенетик механизмларини аниқлаш тадқиқотлари бўйича қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: нафас олиш аъзоларидаги носпецифик инфекцион касалликлари бўлган ҳомиладорларда ўлим ҳолати хавф омиллари

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи: [www.acog.org](http://www.acog.org), [www.aafp.org](http://www.aafp.org), [www.jhsph.edu](http://www.jhsph.edu), [www.cpc.unc.edu](http://www.cpc.unc.edu), [www.unc.edu](http://www.unc.edu), [obsgyn.mcmaster.ca](http://obsgyn.mcmaster.ca), [www.figo.org](http://www.figo.org), [www.studylib.ru](http://www.studylib.ru), [www.ottawahospital.on.ca](http://www.ottawahospital.on.ca), [www.uottawa.ca](http://www.uottawa.ca), [www.unsw.edu.au](http://www.unsw.edu.au), [www.fadergs.edu.br](http://www.fadergs.edu.br), [pushpagiri.in](http://pushpagiri.in), [ncagp.ru](http://ncagp.ru), [www.ssmu.ru](http://www.ssmu.ru), [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz) ва бошқа манбалар асосида амалага оширилди.

ва сабаблари аниқланган (Karolinska institute, Швеция; Universidad Federaldo Rio Grandedo Sula, Бразилия; Акушерлик ва гинекология республика илмий-амалий маркази), ҳомиладорларда ўткир вирусли инфекциялар ва зотилжамни даволашнинг турли услублари, шунингдек, антибактериал терапия самарадорлиги хусусиятлари аниқланган (University of Oxford, Буюк Британия), ЎРВИ ва зотилжам ҳамда жигар-хужайравий етишмовчилик бўлган аёлларда ҳомиладорлик кечиши, туғруқ, ҳомила ва чақалоқ ҳолати хусусиятлари аниқланган (University of North Karolina, США; University of New South Wales Австралия), полипрогмазия муаммоси ва ҳомилага ноҳўя таъсир хавфини инобатга олган ҳолда, зотилжамни даволаш учун воситаларни буюришга аниқ ёндашув ишлаб чиқилган (University of Ottawa, Канада; Тошкент тиббиёт Академияси, Ўзбекистон), эрта туғруқ хавфи юқори бўлган ҳомиладорлар коагулопатик бузилишлари келиб чиқиши аниқланган (Академик И.П. Павлов номидаги биринчи Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети, Россия); нафас олиш аъзоларининг носпецифик касалликлари бўлган аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқ кечиши тактикаси бўйича маълум консенсус ишлаб чиқилган (University of Tokyo, Япония; Академик Кулаков В.И. номидаги акушерлик, гинекология ва перинаталогия илмий маркази, Россия).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида зотилжам бўлган ҳомиладорларда акушерлик ва перинатал асоратларни олдини олиш, коррекциялаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устивор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: зотилжам бўлган ҳомиладорларда ҳаётий муҳим аъзолар ва тизимларни қўлланилган амалиётлар ва акушерлик тактикаси ҳажмига боғлиқ ҳолда функционал ҳолатини аниқлаш, қонининг гемостазиологик ва реологик хусусиятларини аниқлаш; ҳомиладорликнинг нохуш оқибатларини ташхислашда биокимёвий кўрсаткичлар ҳолатини баҳолаш; қонда биокимёвий ва гематологик кўрсаткичлар ҳолатидаги ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш; ҳомиладорлик кечиши ва яқинини антибактериал даволаш тактикасига боғлиқлигини аниқлаш, нафас олиш аъзоларининг носпецифик касалликлари, жигар-хужайравий етишмовчилиги бўлган аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқ кечиши, ҳомила ва чақалоқ ҳолатини аниқлаш, акушерлик ва перинатал асоратлар оқибатида содир бўладиган оналар ва болалар ўлимини камайтиришни таъминлайдиган даволаш-профилактика чора-тадбирларни такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳомиладорларда қуйи нафас йўллариининг инфекцион касалликлари, айниқса зотилжам, бўлажак оналар, ва ҳатто ҳомила саломатлиги ва ҳаётига жиддий тиббий ва ижтимоий муаммо ҳисобланади. Зотилжамнинг учраш частотаси ҳомиладорларнинг 1,5:1000 ёки 1:660 нисбатига тўғри келади. Ҳомиладорларнинг экстрагенитал патологияси бўйича шифохонага жойлаштиришнинг барча ҳолатларида 4-5% фоизи зотилжамга тўғри келади ва оналарнинг экстрагенитал инфекциялардан ўлим ҳолатининг энг кўп сабаби ҳисобланади (Almansa, R., 2018; Binks, M. J., 2018; Баранов И. И., 2018; Белокриницкая, Т. Е., 2015).

Ҳомиладорлик вақтида нафас олиш тизимида ўзгаришларга анатомик, функционал гормонал ва метаболик ўзгаришлар асорат бўлиб ҳисобланади. Шиллик қаватларга қон тўлиши, бурун битиши ва бурун секрецияси ортиши билан намоён бўлади. Адаптив ўзгаришларнинг сабаби ҳомиладор аёлнинг катталашиб бораётган бачадонига мослашиш ҳисобланади (Макацария, А. Д., 2005; Ghulmiyyah, L. M. , 2015). Ҳар қандай турдаги ўпка зарарланишида ҳомила гипоксияси хавфи юзага келади. Бу муаммонинг яна бир жиҳати шундаки, антибактериал воситаларнинг ҳомилага таъсирига нисбатан хавфсизликдир, бу воситаларни шифохонадан ташқари зотилжамда мажбурий ҳолда буюрилади, шу жумладан ҳомиладор аёлларга ҳам (Белокриницкая, Т.Е., 2012).

Ҳомиладорлик вақтида, яъни янги ўзгаришлар шароитида турли аъзоларда гомеостазни қўллаб қувватлашга йўналтирилган бир қатор мураккаб адаптацион жараёнлар содир бўлади. Гемостаз тизими учун бу адаптацион реакция коагуляцион потенциалнинг ортиши бўлиб, у энг асосий равишда қон ивиши ва тромбоцитларнинг функционал фаоллиги омиллари концентрациясининг ортиши ҳисобига ортади (Kilickar, M., 2011).

Мавжуд ҳомиладорликни кечиши тактикаси ва туғруқни амалга ошириш услублари, клиник-лаборатор маълумотларнинг натижаларини аниқ талқин қилиш, бунда ҳомиладорлик динамикасида ва жигар етишмовчилиги ривожланиши ҳолатларида қўлланилган усулларни сезувчанлик ва ўзига хосликларни инобатга олган ҳолда, асосиз амалиётлар ўтказишни олдини олиш ва перинатал ўлим ҳолати кўрсаткичларини пасайтиришга олиб келади. Ушбу йўналишда тадқиқотларни амалга ошириш долзарб, илмий-амалий аҳамиятга эга бўлиб, ҳомиладорлик ва туғруқ кечиши, беҳатар туғдириш усулларини ишлаб чиқиш ва аёлларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Зотилжам билан касалланган ҳомиладорларда акушерлик ва перинатал асоратларни олдини олиш ва коррекциялаш тамойилларини клиник-патогенетик асослаш» (2017-2021 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** зотилжам билан касалланган ҳомиладорларда акушерлик ва перинатал асоратларни олдини олиш ва коррекциялаш тамойилларни клиник-патогенетик асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

нафас олиш аъзолари носпецифик юқумли касалликлари бўлган аёлларда оналар ўлими сабабларини аниқлаш;

ўткир респиратор, вирус инфекциялари ва зотилжам бўлган ҳомиладорларда туғруқ тарихини ретроспектив таҳлиллаш;

ўткир респиратор ҳамда вирус инфекциялари бўлган аёлларда ҳомиладорлик кечиши, ҳомила ва чақалоқ ҳолатини аниқлаш;



зотилжам билан касалланган аёлларда ҳомиладорлик кечиши, туғруқ, ҳомила ва чақалоқ ҳолатини аниқлаш;

зотилжамни даволашнинг амалиётдаги икки баённомаси самарадорлигини қиёсий таққослаш асосида аниқлаш;

зотилжамли ҳомиладорларда антибактериал даволашнинг турли баённомалари самарадорлигини аниқлаш;

ЎРВИ ва зотилжам фонида жигар-хужайравий етишмовчилиги бўлган аёлларда ҳомиладорлик кечиши, туғруқ, ҳомила ва чақалоқ ҳолатини аниқлаш;

грипп вакцинациясидан кейин аёлларда ҳомиладорлик кечиши, туғруқ, ҳомила ҳолатини таҳлиллаш ҳамда унинг самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2009-2017 йилларда Тошкент шаҳри, Бухоро ва Самарқанд вилояти перинатал марказларида назоратда бўлган ўткир респиратор вирус инфекциялари (ЎРВИ) ва зотилжам билан касалланган 474 нафар аёллар ва ушбу касалликлардан нобуд бўлган 65 нафар аёллар туғруқ тарихларининг ретроспектив таҳлили ҳамда 330 нафар аёллар проспектив таҳлили олинди. Проспектив тадқиқотлар вакцинациядан кейин РФ Краснодар ўлкасининг Коренов МРШ да 2015-2017 йиллар оралиғида ўтказилди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида вена қони ва зардоби биокимёвий ва гематологик тадқиқотлар учун, бурун ҳалқум соҳасидан суртмалар вирусологик тадқиқотлар учун олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, функционал, ультратовуш, доплеромеретрик, биокимёвий, гематологик, вирусологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор ретроспектив ва проспектив тадқиқотлар асосида ЎРВИ, зотилжам ва жигар-хужайравий етишмовчилиги бўлган ҳомиладорларда акушерлик ва перинатал асоратлар (бола ташлаш хавфи, кўғаноқ сувлари кўплиги ва камлиги, муддатдан аввал кетиши, муддатдан аввалги туғруқлар) юзага келиши исботланган;

илк бор ЎРВИ ва зотилжам бўлган аёлларда туғруқ кечиши оғирлиги, жарроҳлик амалиёт ҳажми ва услуоби ҳамда ҳомиладорлик кечиши ва якуни билан пропорционал боғлиқлиги асосланган;

илк бор жигар-хужайравий етишмовчилиги асорати ва зотилжам бўлган ҳомиладорларда абдоминал туғруққа кўрсатма ва жарроҳлик амалиёти ҳажмини кенгайтиришга кўрсатмалар ортиши исботланган;

ЎРВИ ва зотилжам бўлган ҳомиладорларда жигарнинг функционал ҳолати ва гемостаз тизими фаолияти кўрсаткичлари миқдорларининг ўзгариши билан боғлиқ акушерлик асоратлари ривожланиши юзага келиши аниқланган;

ЎРВИ, зотилжам ва жигар-хужайравий етишмовчилиги бўлган ҳомиладорларда оналар ўлими ва перинатал йўқотишлар даражасининг ортиши билан ўзаро корреляцион боғлиқлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

зотилжамли ҳомиладорларда биокимёвий ҳамда гемостаз кўрсаткичлари интерпретацияси асосида ҳомиладорликни тўхтатишга ва жарроҳлик амалиёти ҳажмига кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

зотилжам билан касалланган аёлларда ҳомиладорликни давом эттиришга ва тўхтатишга кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

зотилжамли ҳомиладорларда антибактериал терапиясининг турли баённомалари самарадорлигини аниқлаш асосида даволашга оптимал ёндашув ишлаб чиқилган;

ЎРВИ ва зотилжам ривожланишини олдини олиш мақсадида ҳомиладорларни вакцинациялаш самарадорлиги исботланган ва тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти зотилжам билан касалланган ҳомиладорларда акушерлик ва перинатал асоратларни олдини олиш ва коррекциялаш тамойилларни клиник-патогенетик асослаш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган. ЎРВИ, зотилжам ва жигар-ҳужайравий етишмовчилиги бўлган ҳомиладорларда акушерлик ва перинатал асоратлар юзага келиши ҳамда жигарнинг функционал ҳолати, биокимёвий ва гемостаз тизими фаолияти кўрсаткичлари миқдорларининг ўзгариши билан боғлиқ акушерлик асоратлари ривожланиши ва улар орасидаги ўзаро боғлиқлик ушбу патология патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти зотилжамли ҳомиладорларда биокимёвий ҳамда гемостаз кўрсаткичлари интерпретацияси асосида ҳомиладорликни тўхтатишга ва жарроҳлик амалиёти ҳажмига кўрсатмалар ишлаб чиқилганлиги, антибактериал терапиясининг турли баённомалари самарадорлигини аниқлаш асосида даволашга оптимал ёндашув ишлаб чиқилганлиги, касаллик ривожланишини олдини олиш мақсадида ҳомиладорларни вакцинациялаш самарадорлиги исботланган ва тавсия этилганлиги акушерлик ва перинатал асоратларни камайтириш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Зотилжам билан касалланган ҳомиладорларда акушерлик ва перинатал асоратларини олдини олиш ва коррекциялаш тамойилларини клиник-патогенетик асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ҳомиладорларда зотилжамни даволашга замонавий ёндашувлар» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 13 июлдаги 8н-д/91-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ҳомиладорларда зотилжамни эрта аниқлаш, касаллик кечишини башорат қилиш ва ўз вақтида даволашнинг замонавий чора-тадбирларини қўллашга хизмат қилган;

«Жигар-хужайравий етишмовчилик синдроми бўлган ҳомиладорларни олиб бориш тактикаси» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 13 июлдаги 8н-д/91-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома жигар-хужайравий етишмовчилик синдроми бўлган ҳомиладорларни эрта аниқлаш, кузатиш тактикаси белгилаш ҳамда ҳомиладорликда юқори хавф омиллари билан боғлиқ бўлган асоратларни камайтиришга хизмат қилган;

зотилжамли ҳомиладорларда акушерлик ва перинатал асоратларини олдини олиш ва коррекциялаш тамойилларини клиник-патогенетик асослаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан:

Республика акушерлик ва гинекология ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази, Хоразм ва Фарғона вилоятлари перинатал марказлари амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 19 октябрдаги 8 н-з/120-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар ҳомиладорларда ўткир респиратор вирусли инфекция ва зотилжамни олдини олиш, жигар-хужайравий етишмовчилик синдроми эрта аниқлаш, касаллик асоратларини камайтириш ҳисобига акушерлик ва перинатал йўқотишларни пасайтириш ҳамда уларни стационарда даволаниш муддатини қисқартириш билан тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишга имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 4 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан 9 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 192 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, мақсад ва вазифалари, ҳамда тадқиқот объекти ва предмети асослаб берилди, тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожданишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилди, ишнинг илмий янгилиги ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилди, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилди, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш бўйича маълумотлар, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилмаси бўйича маълумотлар берилди.

Диссертациянинг «**Нафас олиш аъзоларининг носпецифик инфекцион касалликларининг акушерлик ва перинатал асоратлар шаклланишида ўрни ҳақидаги замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида назарий жиҳатлари таҳлил қилиниб, зотилжам билан касалланган

ҳомиладорларда акушерлик ва перинатал асоратларни олдини олиш ва коррекциялашнинг асосий тамойилларига бағишланган тадқиқот тизимлаштирилди, ҳамда ҳал этилмаган ёки мазкур муаммони аниқлаштириш жиҳатлари белгилаб олинди.

Диссертациянинг «**Назоратдаги ҳомиладорларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материалларнинг умумий тавсифи, тадқиқот услублари баён этилган. Қўйилган вазифаларга мувофиқ, Тошкент шаҳри ШПМ, Бухоро вилояти ВПМ 2009-2018 йиллар оралиғида ва РФ Краснодар ўлкаси Коренов МТШ да 2015-2017 йиллар оралиғида нафас олиш аъзоларининг носпецифик яллиғланиш касалликлари бўлган (ЎРВИ ва шифохонадан ташқари зотилжам) ҳомиладорларда ҳомиладорлик кечиши ва якуни, туғруқ, ҳомила ва чақалоқ ҳолатини ўрганиш бўйича ретроспектив ва проспектив тадқиқотлар ўтказилди.

Ўтказилган тадқиқотнинг ретроспектив бўлими Тошкент шаҳри 5 та туғруқ мажмуалари, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари перинатал марказларидан олинган ЎРВИ ва шифохонадан ташқари зотилжам билан касалланган 474 нафар аёлнинг туғруқ тарихи асосидаги таҳлилдан иборат бўлди. Бундан ташқари, ретроспектив таҳлилда 2009-2017 йиллар оралиғида Тошкент ва Бухоро шаҳарларида ЎРВИ ва шифохонадан ташқари зотилжам фонида ривожланган жигар-хужайравий етишмовчилик оқибатида нобуд бўлган 65 нафар аёлнинг туғруқ тарихлари ўрганилди.

Проспектив тадқиқотлар ЎРВИ ва шифохонадан ташқари зотилжам билан касалланган 330 нафар аёлларда ҳомиладорликнинг кечиши ва якунидан иборат таҳлилдан иборат бўлди, маълумотлар туғруқ мажмуалари (Тошкент ШПМ ва Бухоро вилояти ВПМ) дан олинган. Стационарга келиб тушган 330 нафар ҳомиладорнинг 150 нафарида ЎРВИ ва 180 нафарида зотилжам аниқланган. 474 туғруқ тарихлари асосида ретроспектив таҳлил ўтказиш давомида, биз томонимиздан болалар ўлими индекси (БЎИ) тушунчаси киритилди. БЎИ зотилжам билан касалланган ҳомиладорларнинг муассасаларда болалар ўлими даражасига таъсирини ақс эттиради. Зотилжам бўлган ҳомиладорларда оналар ўлими индекси (ОЎИ) тушунчаси аниқ бир муассасада зотилжам туфайли оналар ўлими даражасини ақс эттиради.

Зотилжам оқибатида оналар ўлими коэффиценти (ЗОЎК) – зотилжам бўлган ҳомиладорлар нисбатининг аниқ муассасада ОЎ умумий кўрсаткичига таъсири кўрсаткичи ҳисобланади.

**Акушерлик-гинекологик тадқиқот.** Текширув шикоятларни баҳолашдан бошланди. Бир вақтда касаллик тарихлари, анамнез ва объектив тадқиқотлар маълумотлари, лаборатория ва ускунали текширув услублари натижалари ўрганилди. Анамнестик маълумотларни тўплаш шикоятлар, наслий ва оилавий анамнезни ўрганиш, экстрагенитал патология мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар, гинекологик касалликлари, жарроҳлик амалиётлари. Паритет, аввалги ҳомиладорликлар кечиши ва якунлари ҳақида маълумотлар аниқланди. Ҳомиланинг жойлашуви ва бачадондаги ўрни, бачадон тонуси, бачадон тубининг қовуқдан баландлигини, қорин айланасини ўлчаш

мақсадида ташқи акушерлик текширувлари ўтказилди. Ҳомила юрак фаолиятининг аускультацияси ўтказилди.

Барча олинган маълумотлар биз томонимиздан махсус ишлаб чиқилган карталарга киритилди, у ерда диссертациянинг барча тадқиқотлари ҳисобга олинган эди. Ҳар бир текширилган аёлдан биологик материални олишга ва шахсий маълумотларига ишлов берилишига ихтиёрий ёзма розилик олинди.

**Ультратовуш тадқиқотлари.** Текширувдаги барча ҳомиладорларга, ҳамда соғлом ҳомиладорларга ҳам жигари, кичик тос аъзолари ультратовуш тадқиқотлари ўтказилди, датчиги 3,5 МГц частота бўлган «ToshibaSSA-340» (Япон) фирмасининг махсус ускунаси ёрдамида акушерлик фетометрияси ўтказилди.

**Кўкрак қафасининг рентгенологик тадқиқоти.** Ҳомиладор аёлларнинг кўкрак қафаси рентгенологик тадқиқотлари Хитойда ишлаб чиқарилган XR-6000 ускунаси ёрдамида ўтказилди.

**Электрокардиографик тадқиқотлар** MAC – 400 (Ҳиндистон) ускунасида амалга оширилди.

Ҳомила функционал ҳолатининг кардиотокографик тадқиқоти STAR 500С фетал мониторида кардиотокографида ўтказилди.

**Допплерографик тадқиқот** «SSI 5000 SonoScape» (КНР) сканерида, антравагинал датчикнинг эхография ва доплерография тартибларида қўлланган ҳолда ўтказилди. Тадқиқот давомида 3,5/5МГц частотали конвекс абдоминал датчик ва 5/6,5/7,5МГц частотали трансвагиналдатчик қўлланилди.

**Ультратовуш плацентография.** Бу тадқиқот услуги орқали йўлдошнинг бачадон бўшлиғида жойлашуви аниқланади. Ҳомиладорликнинг III триместрида бачадон, йўлдош ва ҳомилада қон оқимининг тадқиқоти рангли доплер картирлаш ва импульс доплерометрияни қўллаш орқали ўтказилди.

**Вирусларни аниқлаш учун ПЗР ташхислаш.** Вируслар, ЎРВИ кўзғатувчиларини аниқлаш бўйича молекуляр-генетик тадқиқот полимераз занжирли реакция (ПЗР) услуги «ДНК-Технология» (РФ) тижорат тест-тизимларини қўллаш орқали амплификация маҳсулини гибридацион-флуоресцент детекцияси билан биргаликда амалга оширилди.

Гемостазнинг асосий кўрсаткичларини аниқлаш учун 2013 йилда ишлаб чиқарилган «HumanGesellschaftBiochemicaundDiagnostica» (Wiesbaden, Germany) фирмасининг «HumanClotJunior» коагулометр ускунаси қўлланилди. Коагулометр бир каналли, оптик бўлиб, гемостазнинг (қон оқими ивиши) иккинчи босқичининг асосий кўрсаткичларини цитратли инсон плазмасида аниқлаш учун хизмат қилади.

**Биокимёвий кўрсаткичларнинг аниқланиши.** АЛАТ (AlanineAminotransferase) аниқланиши фаол АЛАТ ни аниқлашнинг кинетик услублари ёрдамида IFCC (International Federation of Clinical Chemistry) экспертларига мувофиқ, пиридоксалфосфат фаоллигисиз ўтказилди (Test «Human Gesell schaft Biochemicaund Diagnostica», Wiesbaden, Germany).

Креатинин миқдори кинетик ўлчаш учун, депротеинизациясиз фотоколориметрик тест ёрдамида амалга оширилди.

Натижаларнинг статистик ишлови учун Windows 7.0. учун Statistica дастурий таъминотидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Нафас олиш аъзолари касалликлари бўлган аёлларда туғруқ тарихининг ретроспектив таҳлили натижалари**» деб номланган учинчи бобида оналар ўлимининг 65 нафарининг ретроспектив материаллари таҳлили келтирилган. Нобуд бўлган аёлларнинг умумий сонидан 32 нафари (49,2%) илк бор ҳомиладор бўлган, 25 нафари (38,5%) қайта ҳомиладор бўлган ва 8 нафари (12,3%) кўп маротаба ҳомиладор бўлган аёлларга тўғри келган. Нобуд бўлган аёллар орасида 12 (18,5%) нафари 20 ёшгача, 35 (53,8%) 21-35 ёш ва 18 (27,7%) нафари 36-40 ёш оралиғида бўлганлар. Зотилжам бўлган 65 та ОЎ сабаби таҳлилининг натижалари айрим умумлаштириш ва 6 та асосий муаммони ажратиб олиш имконини берди. I муаммо: ҳомиладорларда зотилжамни кеч ташхислаш. Зотилжам ташхиси келиб тушгандан сўнг ўртача  $3,4 \pm 1,2$  кундан сўнг қўйилди. II муаммо: полипрогмазия ва антибактериал терапия тамойилларининг бузилиши. Ҳар бир ҳомиладорга гестация муддати ва ҳомилага таъсиридан қатъий назар 3-7 антибиотиклар буюрилди. Реанимацион бўлимда ўртача  $15,7 \pm 3,4$  восита буюрилди, улардан кўпи бир гуруҳга тегишли бўлиб, уларнинг самараси исботланмаган. III муаммо – ҳомиладорликни тўхтатишга кўрсатмаларнинг асоссизлиги. Республиканинг тиббиёт муассасаларида буюрилган воситаларнинг миқдорида турли тенденция кузатилди, бунда 3-20 та, ўртача  $13,1 \pm 15,3$  буюрилди. Бу воситаларнинг буюрилиши ҳаётий зарур бўлмаган, ва уларнинг аксарияти воситаларнинг бир хил воситага кирган. Ҳар бир зотилжам бўлган ҳомиладорлар ҳар хил туғруқ мажмуаларида 1-5 антибиотиклар буюрилди, бунда гестация муддати ва ҳомилага таъсир қилиши инобатга олинмайди. ШЗ бўлган ҳомиладорларда амалиёт туғруқлари частотаси 0,00 дан 44,4% гача ўзгариб турди ва ўртача  $19,1 \pm 15,0\%$  ни ташкил қилди. Ҳомиладорликни давом эттириш частотаси ўртача  $68,2 \pm 13,2$  га тўғри келди. 72,3% ҳомиладорларда кесар кесиш амалга оширилди, 24,6% да жарроҳлик ҳажмини кенгайтириш ҳал қилинди. IV муаммо – орал гидратацияга устуворликнинг ўта паст даражаси. Тарихда маълумотлар йўқлиги туфайли орал гидратация ҳажми аниқлашнинг имкони бўлмади ва ўртача  $1241 \pm 284$  мл ни ташкил қилди. V муаммо – инфузион терапиянинг асоссиз ҳажми ва сифатли таркиби. Полимер асосда ишланган воситаларнинг асоссиз қўйилиши. VI муаммо – кислородотерапия етишмовчилиги. Ўрта ҳисобда кислород сатурацияси 80-85 % нисбатда тутилган.

Зотилжам бўлган ҳомиладорларни туғруқ мажмуаларида кузатишнинг ягона тактикаси ва стратегияси бўлмаганлиги туфайли, зотилжам оқибатида кесар кесишлар, ОЎ юқори кўрсаткичлари Республиканинг 8 та туғруқ мажмуаларидан танлаб олинган 474 нафар ЎРВИ ташхиси қўйилган, 96 нафар зотилжам бўлган ҳомиладорларнинг тарихини ретроспектив таҳлил қилишга асос бўлди. Зотилжам нисбати клиникаларда 2 дан 90% гача ўзгариб турди. Барча муассасалар бўйича ҳомиладорлик вақтида, грипп эпидемияси даврида зотилжам нисбати  $4,5 \pm 3\%$  ни ташкил этди.

Биз томонимиздан ўтказилган таҳлил давомида қуйидаги тушунча киритилди: - Зотилжам бўлган ҳомиладорлар орасида оналар ўлими (ЗҲОЎ) – аниқ бир муассасада зотилжам бўлган ҳомиладорлар орасида оналар ўлимининг бу кўрсаткичи ўртача 0 дан 444 гача ўзгариб турган, ўртача 165,7 ни ташкил этган. Зотилжам бўлган ҳомиладорларда оналар ўлими коэффиценти – зотилжам бўлган ҳомиладорлари аниқ бир муассасадаги миқдорининг ОЎ нинг умумий кўрсаткичига таъсири белгиси бўлиб, у ўртача  $n=7,0$  ташкил этди. БЎИ – бола ўлими индекси зотилжам бўлган ҳомиладорлар орасида 404,4 атрофида бўлган. БЎИ зотилжам бўлган аёлнинг муассасада болани йўқотиш индексига таъсирини акс эттиради, у 0 дан 30 гача ўзгариб турган ва 12,6 ни ташкил қилган. Зотилжам туфайли оналарнинг ўлим ҳолатлари индекси қўлланилган антибиотикларнинг миқдори билан ( $r=+0,99$ ), қўлланилган воситалар миқдори билан ( $r=+0,82$ ), кесар кесиш нисбати билан ( $r=+0,97$ ), бачадон экстирпациялари частотаси билан ( $r=+0,88$ ), БЎИ билан ( $r=+0,79$ ) яқин ижобий корреляцион алоқада бўлган. Ретроспектив таҳлилга кўра, перинатал йўқотишлар, хоҳ оналар, хоҳ болалар йўқотишлари бўлсин, зотилжамни ташхислаш, полипрогмазия, кесар кесиш даражаси тамойилларига боғлиқ бўлгани тасдиқланди.

Диссертациянинг «**ЎРВИ ва зотилжам билан касалланган аёлларда ҳомиладорликнинг кечиши, туғруқ, ҳомила ва чақалоқ ҳолатини проспектив кузатиш натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида ЎРВИ ва зотилжам бўлган ҳомиладорларда ҳомиладорликнинг кечиши, туғруқ, ҳомила ва чақалоқ ҳолатининг таҳлиliga бағишланган. ЎРВИ билан касалланган 150 нафар аёлнинг клиник-лаборатор текшируви амалга оширилди. ЎзР ССВ Санитар-эпидемиологик ободонлаштириш бўйича агентликнинг вирусологик лабораторияси базасида вирус тури аниқланиши ва бошқа респиратор инфекциялар кўзгатувчилари орқали дифференциал ташхислаш ўтказилди. ПЗР бўйича (полимераза занжирли реакция) 38 нафар ҳомиладорда грипп А ( $H_1 N_1$ ); 26 нафарида - А ( $H_3 N_2$ ), 27 нафарида грипп В, 36 нафарида риновирус, 8 нафарида – аденовирус, 4 нафарида – метапневмовирус аниқланган. ЎРВИ нинг оғир шакли 53 нафар (35,3%) аёлда, 97 (64,7%) аёлда эса ўрта оғир ҳолат аниқланган. Шифохонага жойлаштирилган аёлларнинг умумий сонидан 87 (58,0%) нафари касалланиш бошланганидан 1-3 кун ўтиб, 63 (42,0%) нафари эса 4-5 кунга келганлар.

Ҳомиладорлар стационарга келиб тушган вақтларида тана ҳарорати  $38^{\circ}C$  дан  $39^{\circ}C$  гача бўлганига шикоят қилганлар. ЎРВИ бўлган ҳомиладорларда стационарга келиб тушганларида ортиб бораётган холсизлик (91,3%), бош оғриқлари (95,3%), уйку ёмонлашиши (95,3%), иштаҳанинг йўқолиши (90,0%), тананинг синикиб оғриши (85,3%) ва бурун битиши кузатилган. Таҳлил кўрсатишича, ЎРВИ нинг дастлабки симптомлари пайдо бўлишидан тиббий ёрдамга мурожаат қилиш вақт оралиғи 1-5 кунни ташкил қилган (ўртача  $2,2 \pm 1,7$  кун). ЎРВИ бўлган ҳомиладорларда гестация муддатига мувофиқ гемодинамик кўрсаткичларини баҳолаш натижаларига кўра, стационарга келиб тушишда ҳомиладорларнинг назорат гуруҳида тахикардия, ўртача юрак уриши частотаси дақиқасига  $82,9 \pm 8,4$  ни ташкил қилди. ЎРВИ

бўлган ҳомиладорларнинг аксариятида нормотензия, ва САБ кўрсаткичлари  $110,4 \pm 6,3$  мм рт. ст. ни ва ДАБ  $75,6 \pm 2,7$  мм рт ни кўрсатди. Ўтказилган таҳлилларнинг натижалари исботлашча, ЎРВИ бўлган ҳомиладорларда диурези деярли соғлом ҳомиладорларнинг  $1250,4 \pm 125,4$  мл кўрсаткичига нисбатан, ўртача  $794,5 \pm 139,4$  мл гача пасайган ( $P < 0,05$ ). Сийдикнинг улуш вазни назорат гуруҳида  $1028,7 \pm 1,8$  бирликдан асосий гуруҳни  $1015,6 \pm 2,4$  бирликкача пасайиши кузатилди. ЎРВИ бўлган ҳомиладорларда протеинурия ўртача  $1,5 \pm 0,08$  г/л назорат гуруҳининг  $0,033 \pm 0,02$  г/л ни ташкил қилди ( $P < 0,05$ ).

Сийдикчил ва креатинин таркибида текширувдаги ҳомиладорларнинг гуруҳлар бўйича ишончли фарқлари кузатилмади.

Биокимёвий кўрсаткичларнинг ўтказилган таҳлил натижалари шуни гувоҳлик қиладики, ЎРВИ бўлган бемор аёлларда кичик гипопропротеинемия назорат гуруҳининг  $68,9 \pm 2,9$  г/л га қарши ўртача  $65,4 \pm 2,8$  г/л гача кузатилган ( $P > 0,05$ ). Глюкозанинг концентрацияси меъерий кўрсаткичлар даражасида сақланиб қолди. Умумий билирубин ва жигар ферментлари ва қолдиқли азотнинг даражаси назорат гуруҳидаги ҳомиладорларнинг натижаларидан у қадар фарқланмади. ЎРВИ бўлган ҳомиладорларда гемостаз тизимидаги ўзгаришлар шуни кўрсатдики, фибриноген, ҳамда АВР ва АЧТВ каби умумий коагуляцион тестлар концентрацияси назорат гуруҳидан олинган кўрсаткичлар билан таққослаганда деярли фарқланмади.

ЎРВИ бўлган ҳомиладорларда ҳомиладорлик кечиши ва якуни улар бошдан кечирган респиратор-вирус инфекция оғирлигига боғлиқ ҳолда таҳлил қилинди. ЎРВИ билан касалланиб тузалган аёлларда ҳомиладорлик кечишида энг кўп учрайдиган асоратлар бола ташлаш хавфи бўлиб, бу хавф ЎРВИ нинг оғир кечиши кузатилган аёлларда 28,3%, назорат гуруҳида эса 5% ни ташкил қилди.

Қўғаноқ сувлари камлиги, ХРК (ҳомила ривожланиши кечга қолиши) каби гипоксик генезли асоратлар частотаси ҳам кўпроқ ЎРВИ оғир кечган ҳомиладорларда кузатилди. ЎРВИ нинг оғир кечши бўлган аёлларда бола ташлаш хавфи 28,3%, қўғаноқ сувлари кўплиги 5,7%, қўғаноқ сувлари камлиги 7,5%, қўғаноқ сувлари муддатдан аввал кетиши 13,2%, муддатдан аввалги туғруқлар 7,5%, ХРК 5,7% ида кузатилган.

Ҳомила ҳолатини баҳолаш текшируви ҳомиладорликнинг 34-36 ҳафта муддатида ўтказилди. КТГ кўрсаткичлари таҳлили натижалари гувоҳлик қилишча, юрак қисқаришлари частотаси 110-170 зар/дақ оралиғида бўлган, ва ЎРВИ нинг ўртача оғирликда кечиши бўлган ҳомиладорларда  $148,7 \pm 4,7$  зар/дақ, ЎРВИ оғир кечиши бўлган ҳомиладорларда  $159,7 \pm 5,2$  зар/дақ га тенг бўлган. КТГ кўрсаткичлари текширувдагиларнинг иккала гуруҳида меъёр чегарасида бўлган.

ЎРВИ нинг кечишига боғлиқ ҳолда, чақалоқларнинг ҳолатлари дифференциал текширилганда шу намоён бўлдики, ЎРВИ ни оғир шаклини бошдан кечирган аёлларда ҳомиланинг ўртача вазни меъерга нисбатан анча паст, яъни назорат гуруҳидан ҳомиланинг  $3124,7 \pm 19,5$  г га нисбатан  $2915,6 \pm 16,8$  г ни ташкил қилган ( $P < 0,05$ ). Ҳомиланинг бўйидаги фарқлар



қуйидагича бўлди, ЎРВИ оғир шаклини бошдан кечирган аёлларда ўртача кўрсаткичлар назорат гуруҳидаги  $50,2 \pm 3,2$  см га нисбатан  $46,7 \pm 2,4$  см ни ташкил қилди ( $P < 0,05$ ).

Чақалокнинг 1 дақиқадаги Апгар шкаласи бўйича ҳолатини баҳолаш қуйидагича натижалар берди, ЎРВИ оғир шаклини бошдан кечирган аёлларда Апгар шкаласи бўйича 4-5 баллда баҳоланган, ўртача оғир шаклида – 17,5%, оғир шаклида 24,5 % бўлган, ЎРВИ бўлмаган аёлларда эса 6,7% бўлган.

Чақалокларнинг 5 дақиқадан сўнг динамикасининг дифференциал таҳлили шуни кўрсатдики, 4-5 баллик баҳоланган гўдаклар ЎРВИ бўлган ҳомиладорларда кўпроқ қайд этилган. Оғир кечишида бу кўрсаткич назорат гуруҳидаги 3,3% га нисбатан 9,4% ни ташкил қилган ( $P < 0,01$ ).

Чақалокларда ривожланиш нуқсонлари бўйича маълумотларга кўра, ҳомиладорликда ЎРВИ бўлган аёлларда дисэмбриогенез стигмалари, юрак туғма нуқсонлари қайд этилмаган.

ЎРВИ бўлган ҳомиладорларни кузатиш тактикасида устувор йўналиш антибактериал ва вирусга қарши воситалардан воз кечиш бўлди. Орал гидратация, гиповолемияни коррекциялаш, ва зарурият бўлганда иситма туширадиган воситалар буюришга урғу берилди.

4.2 бобида шифохонадан ташқари зотилжам билан касалланган 180 нафар аёлларда ҳомиладорликнинг кечиши, ҳомила ҳолати ва чақалокнинг ҳолати таҳлили натижалари акс этган. Келиб тушгандаги ҳолати 18 (%) (I гуруҳ) да қоникарли, 77 (%) да (II гуруҳ) да ўртача оғир, ва 85 % да (47,2%) да оғир деб топилди. Периферик қон таҳлил кўрсаткичларининг натижалари ШЗ оғир кечишига боғлиқ ҳолда, бемор оғир ҳолати жадаллашишида эритроцит, гемоглобин ва рангли кўрсаткич миқдори камайиши кузатилди, булар оғир ҳолатдаги бемор аёлар гуруҳида қуйидагича бўлган: эритроцитлар -  $2,8 \pm 0,4 \times 10^{12}/л$ , Hb  $95,6 \pm 3,4$  г/л ва РК  $0,78 \pm 0,02$ . Барча бемор аёлларда энгил лейкоцитоз кузатилган. I гуруҳ беморларида  $9,7 \pm 1,8 \times 10^9/л$ , II гуруҳ беморларида лейкоцитоз миқдори  $12,4 \pm 1,8 \times 10^9/л$  ва зотилжамнинг оғир ҳолатлари бўлган ҳомиладорларда  $14,4 \pm 1,6 \times 10^9/л$  ни ташкил қилди, бунда лейкоцитар формула чап томонга силжиган ва лимфопения ва моноцитопения ривожланган. Демак, III гуруҳдаги оғир ҳолатли беморларда ШЗ лимфоцитлар миқдори  $16,4 \pm 2,7\%$  гача, моноцитлар  $2,8 \pm 2,4\%$  гача пасайган. ШЗ оғир кечиши кузатилган беморларда гематокрит кўрсаткичлари  $20,8 \pm 3,2\%$  га жадал пасайиши аниқланди, бу кўрсаткич деярли соғлом ҳомиладорларда  $38,6 \pm 3,2\%$  га тенг бўлган ( $P < 0,001$ ).

Интоксикация ортиб бориши сайин умумий оқсил концентрацияси III гуруҳ беморларида, зотилжам бўлган ҳомиладорлар ва қоникарли ҳолатда бўлган ҳомиладор аёлларда жадал пасайиб борган ( $62,8 \pm 2,8$  г/л га нисбатан  $58,4 \pm 2,4$  г/л) ( $P < 0,001$ ). Гипопротеинемия жадал ҳолати гипоальбуминемия билан ёндош кечган, унинг III гуруҳдаги кўрсаткичлари  $54,6 \pm 2,2\%$ , назорат гуруҳида эса  $62,4 \pm 2,1$  ни ташкил қилган. Гемостаз тизими кўрсаткичларида ўзгаришлар табиати ўпкадаги яллиғланиш жараёнининг клиник аломатларининг давомийлиги ва яққол намоён бўлишига боғлиқ бўлди. Қоникарли ҳолатда келиб тушган ҳомиладорларда фибриноген

концентрацияси  $4,4 \pm 1,8$  г/л ни ташкил этди, бу эса III гуруҳнинг  $6,4 \pm 0,2$  г/л кўрсаткичига нисбатан паст бўлган ( $P < 0,01$ ). Бемор аёлнинг ҳолати оғирлиги жадаллашган сайин, тромбоцит микдорининг ҳам жадал камайиши аниқланган, улар III гуруҳда  $187,4 \pm 8,5 \times 10^9$  ни ташкил этди, бу I гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан жуда паст бўлган ( $217,4 \pm 8,9 \times 10^9$ ). Қон ивиш ва тромбоцитар фаоллик кўрсаткичларининг аксарияти фибриноген фаоллашиши аломатларисиз юқори коагуляцион потенциални акс этди. Ҳомиладорлик кечиши ва яқунлари, туғруқ, ҳомила ва чақалоқ ҳолати таҳлили дифференциал ҳолатда ШЗ бўлган аёлнинг ҳолати оғирлигига боғлиқ ҳолда ўтказилган. Интоксикация ортган сайин ҳомиладорлик кечишида бола ташлаш хавфи юзага келади, бунда зотилжам ўрта оғир кечишида частота 15,6 %ни, оғир кечаётган гуруҳда 21,2 % ни ташкил этди. Қўғаноқ сувлари камлиги ШЗ оғир шакли бўлган ҳомиладорларда 17,6%, ўртача оғир ҳолатдаги аёлларда 10,4% да қайд этилган. Зотилжамнинг оғир шакли ва ўртача оғир шакли бўлган ҳомиладорларда қўғаноқ сувларининг муддатидан аввал кетиши катта фарқни кўрсатди, назорат гуруҳининг 8,3% га нисбатан 17,6% ни ташкил қилди. Тезкор туғруққа тегишли ҳолатлар бўйича шу нарса аён бўлдики, ШЗ бўлган ҳомиладорларда ПОНРП ва ҳомила дистресси кўрсатма бўлди, бирор бир ҳолатда кесар кесиш услуби зотилжам бўйича ўтказилмади.

Ҳомиланинг ҳолатини ўрганиш натижаларига кўра, интоксикация ортиб бориши билан бачадон артерияларида қон оқими бузилиши кузатилган, бу IA ва киндик артериялари IB да бузилишларга сабаб бўлган. КТГ таҳлили натижаларига кўра, юрак қисқаришлари дақиқасига 140 ва 170 зарбага тўғри келган, ва ўрта гуруҳда  $158,8 \pm 28,7$  зарб/дақ ва оғир зотилжамда  $164,7 \pm 29,5$  зарб/дақиқасига тўғри келган. Акселерация вариабеллигига кўра, улар 60 дақиқа оралиҳида 2-3 марта қайд этилди, вариабел асоратланмаган децелерация 30-60 сония давом этган. ШЗ бўлган аёлларда чақалоқлар ҳолати натижалари кўрсатишича, чақалоқларнинг ўртача вазни  $2704,4 \pm 14,5$ г бўлган; бу назорат гуруҳи ва ШЗ нинг ўрта оғир ҳолати бўлган беморлардаги кўрсаткичлардан анча паст бўлган. Чақалоқларнинг 1 дақиқадаги Апгар шкаласи бўйича баҳолашга кўра, аксарият гўдакларда 4-5 балл қайд этилган ва касалликнинг ўрта оғир ҳолатида 16,9% га нисбатан 20,0% ни ташкил қилган. Болаларнинг 5 дақиқадан кейинги ҳолати баҳолаш кўрсатишича, зотилжамнинг оғир шакли бўлган ҳомиладорларда айрим гўдаклар 4-5 балл қайд этилган. Назорат гуруҳида эса 3,3% кўрсаткичга тенг келган.

4.3 бобида шифохонадан ташқари зотилжам билан касалланган ҳомиладорларнинг антибактериал терапиясида қўлланиладиган турли тартиблар самарадорлигининг таҳлил натижалари акс этган.

Бизнинг тадқиқотимизда ШЗ бўлган ҳомиладорларда антибактериал терапия эмпирик тарзда эҳтимолий қўзғатувчилар, касалликнинг клиник кечиши хусусиятлари ва оғирлик даражаси, ҳомиладорлик муддати, ҳамроҳ касалликлари инobatга олинган ҳолда буюрилган. ШЗ бўлган ҳомиладорларни даволашда антибактериал терапиянинг икки баённомаси самарадорлиги дифференциал ўрганилди. Тадқиқотга оғир 98 нафар ШЗ ҳомиладорлар киритилди. Биринчи гуруҳ 53 нафар ШЗ ҳомиладорларидан иборат бўлиб,

уларга комбинацияли терапия – цефтриаксон 1,0 – суткасига 2 марта ва макролидлар буюрилди. Иккинчи гуруҳ 45 нафар ҳомиладордан ташкил топди, бу гуруҳга пенициллин 5 млн вена ичига суткасига 3 марта юборилди. Даволаш давомида она ва ҳомиланинг реанимация бўлими шароитидаги ҳолати ҳар куни мониторинг қилиб борилди.

Антибактериал терапиянинг турли тартиблари бўйича ўтказилган дифференциал таҳлил натижалари гувоҳлик қилишича, интоксикация клиник симптомлари йўқолиш муддатлари  $48,8 \pm 1,2$  соат, иккинчи гуруҳда  $36,4 \pm 2,7$  соат давом этган, улар ўзаро фарқланган  $P < 0,05$ . Безгак I гуруҳда  $2,7 \pm 0,2$  кун, II гуруҳда  $-3,0 \pm 0,5$  кун давом этган. Комбинацияли терапия олган беморларнинг қайта рентгенограммаларда инфильтрация ўртача  $12,4 \pm 1,2$  кун, пенициллин билан монотерапия олган беморларда эса  $10,7 \pm 1,1$  кун сақланган.

### 1-жадвал

#### Антибактериал терапиянинг турли тартиблари бўйича ўтказилган дифференциал таҳлил натижалари

| Ўрганилаётган кўрсаткичлар              | Ўрганилаётган гуруҳлар, n=98 |                  | P         |
|---|------------------------------|------------------|-----------|
|   | 1-гуруҳ, n=53                | 2-гуруҳ, n=45    |           |
| Интоксикация, соат                      | $48,8 \pm 1,2$               | $36,4 \pm 2,7^*$ | $< 0,001$ |
| Безгак, кунлар                          | $2,7 \pm 0,2$                | $3,0 \pm 0,5$    | $> 0,05$  |
| Хириллашлар, кунлар                     | $9,8 \pm 1,7$                | $8,7 \pm 1,2$    | $> 0,05$  |
| Йўтал, кунлар                           | $12,7 \pm 0,8$               | $11,8 \pm 0,7$   | $> 0,05$  |
| Лейкоцитоз, кунлар                      | $5,4 \pm 0,2$                | $6,2 \pm 0,3^*$  | $< 0,05$  |
| СРО                                     | $4,5 \pm 0,1$                | $4,7 \pm 0,2$    | $> 0,05$  |
| Рентгенограммадаги инфильтрация, кунлар | $12,4 \pm 1,2$               | $10,7 \pm 1,1$   | $> 0,05$  |

Туғма зотилжам частотасида гуруҳлар орасида аниқ бир фарқ кузатилмади, бироқ неонатал зотилжам частотасида аниқ фарқ кузатилди, яъни комбинацияли терапия олган аёллар гуруҳида  $5,7\%$  бўлган, йиғиндида бу перинатал, айниқса эрта неонатал ўлимнинг юқори кўрсаткичларига сабаб бўлди.

4.4 бобида ҳомиладорларда зотилжамни даволашнинг икки баённомаси самарадорлигини қиёсий ўрганиш натижалари акс этган. 85 нафар оғир ШЗ ҳомиладорлари кузатилди, уларда нафас етишмовчилигининг кучли аломатлари ва интоксикация бўлган, аёллар 1-сон баённома бўйича даволанган, яъни пенициллин болус тартибда буюрилган, воситаларнинг умумий миқдори 5 та дан ошмаган, орал гидратация кунига 4-5 литр, диурез назорати. Вибромассаж суткасига 5-6 марта, кислородтерапия, нафас гимнастикаси суткасига 4-5 марта, туғруқ табиий йўл орқали қабул қилинади ёки ҳомиладорлик давом эттирилади. II баённомага кўра, катта амалиётлар назарда тутилган, антибиотиклар миқдори 5 тагача, АМП нинг тез тез алмашланган, воситаларнинг умумий миқдори 20 тагача, вена ичига полимер

асосдаги ишланган оксил воситалари инфузиялари қуйилди, ҳомиладорлик тугатилди. Мазкур гуруҳ ШЗ бўлган 96 нафар ҳомиладорнинг ретроспектив таҳлили натижалари бўйича шаклланган.

Интотоксикация ва гиповолемияни силлиқлашнинг самарали услуби орал гидратация эканини инобатга олиб, биринчи баённомага мувофиқ орал гидратация  $3345,23 \pm 395,15$  мл ни ташкил қилди. Вена ичига инфузиялар ўртача ҳажми  $1605,21 \pm 187,75$  мл га тенг бўлди. ШЗ ни даволашдаги икки баённоманинг қиёсий таҳлил натижаларига кўра, болалар ўлими индекси (БЎИ)  $240,6 \pm 2,2$  нисбатан  $54,06 \pm 2,0$  га тўғри келган.

БЎИ тиббиёт муассасаларида ҳомиладорлар зотилжами частотасининг туғруқ бўлимидаги перинатал ўлимлар даражасига таъсирини акс эттирган ва массив терапия олган гуруҳнинг  $12,6 \pm 1,5$  га нисбатан  $2,17 \pm 0,8$  ни ташкил қилган (фарқ 5,8 марта,  $P < 0,001$ ). Оналар ўлим индекси (ОЎИ) зотилжам бўлган аёллар орасидаги оналар ўлими даражасини белгилаб беради, бунда массив терапия олган аёллар гуруҳида  $165,7 \pm 12,9$  ни ташкил қилган бўлса, асосий гуруҳда нолга тенг бўлди. Зотилжам бўлган аёлларда оналар ўлими коэффиценти (ОЎК) зотилжам билан касалланган ҳомиладорларнинг аниқ бир муассасада оналар ўлимининг умумий кўрсаткичига таъсирини акс эттиради. Олинган натижаларга кўра, текширувдаги ШЗ билан касалланган ҳомиладорларда ҳомиладорликни кузатишда минимал амалиётлар ўтказилишида якуний натижалар анча ижобий бўлганини кўрсатди.

Аниқланишича, ШЗ бўлган 97,8% ҳомиладорлар ҳомиладорликни давом эттириш имконига эга бўлишди, минимал терапия олган аёллар гуруҳида ШЗ бўйича кесар кесиш ўтказилмаган. Бироқ массив амалиётлар ўтказилган гуруҳларда кесар кесиш частотаси 19,1% ни ташкил қилган. Бачадон ампутацияси частотаси – 2,9% ни, бачадон экстирпацияси – 6,09% ни ташкил қилган.

